# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 23 май, № 104 (9275) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

**Футболчиларимиз жаҳон чемпионатига тантанали кузатилди**





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари, мураббийлар штаби, соҳа фахрийлари ва спорт жамоатчилиги вакиллари билан учрашув ўтказди.

Бугун футбол — оддий спорт тури эмас. Дунёда миллиардлаб инсонлар қалбини бирлаштираётган ушбу ўйин эндиликда мамлакатларнинг халқаро имижи, халқнинг миллий ғурури ва маънавий қудратини белгилайдиган муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. У миллатни ягона мақсад атрофида бирлаштира олади. Ғалаба лаҳзаларида бутун халқнинг қалби бирдек уради, юртда ғурур ва ишонч туйғуси юксалади. Шу боис бугунги глобал рақобат шароитида спорт, айниқса, футбол, давлатнинг "юмшоқ кучи"га айланиб бормоқда. Миллий терма жамоаларнинг халқаро майдондаги муваффақияти мамлакатнинг жаҳондаги обрўсига, халқнинг кайфиятига ва келажакка ишончига бевосита таъсир кўрсатади.

Бугун Янги Ўзбекистонда футболга қаратилаётган юксак эътибор замирида ҳам ана шу улкан мақсадлар мужассам.

Учрашувда айни жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари миллий терма жамоамизнинг АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олганини бутун халқимиз ҳаётидаги улкан воқеа, миллий спорт тарихида янги даврни бошлаб берган буюк ютуқ сифатида эътироф этди.

→ 3

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни Халқаро конгресс марказида "Сифатли давлат бошқаруви" дастурининг ғолибларини мукофотлаш ҳамда Миллий китобхонлик ҳаракатига старт бериш маросимларида иштирок этди.**

Давлатимиз раҳбари "Сифатли давлат бошқаруви" дастури доирасида ўтказилган тақдирлаш маросимидаги нутқида сўнгги йилларда мамлакатимизда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим" деган тамойил давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади. Ислоҳотлар марказида инсон қадрини улуғлаш, фуқаролар ва тадбиркорлар учун муносиб шароит яратиш мақсади турибди.

Қайд этилганидек, самарали давлат бошқарувисиз ҳеч бир соҳада кутилган натижага эришиб бўлмайди. Ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида ҳис қилаётган ижобий ўзгаришлар орқали давлат фаолиятига баҳо беради. Шу боис бошқарув идоралари одамларнинг муаммоларини ўз вақтида, адолатли ва тизимли ҳал этиши зарур.

→ 3

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «СИФАТЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ» ДАСТУРИ БЎЙИЧА ФОРУМ ВА ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Ҳурматли Муҳаммад ал-Гаргавий жаноблари!

Аввалambор, барчангизни "Сифатли давлат бошқаруви" дастури доирасида ўтказилаётган бугунги муҳим тадбир ва тақдирлаш маросими билан самимий қутлайман.

Яхши хабардорсиз, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар марказида инсон қадрини улуғлаш, аҳоли ва тадбиркорлар учун муносиб шароитлар яратиш асосий ўрин эгаллайди. Сўнгги 10 йилда **"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим"** деган олийжаноб фалсафани давлат сиёсати даражасига кўтардик.

Бошқарув соҳасида аҳоли учун самарали тизим яратмасдан туриб, ҳеч бир йўналишда кутилган натижага эришиб бўлмайди. Чунки ҳар бир фуқаро ўз кундалик ҳаётида ҳис қилаётган ижобий ўзгаришлар орқали давлат фаолиятига баҳо беради. Бошқарув идоралари одамларнинг муаммосини, уларни қийнаётган ўткир масалаларни ўз вақтида ва адолатли ҳал этса, аҳолининг давлатга нисбатан ишончи кескин ортади. Ортиқча қоғозбозлик ва бюрократия эса ислоҳотлар самарасини пасайтириб, халқнинг умидини сўндиради.

→ 2

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИЛЛИЙ КИТОБХОНЛИК ҲАРАКАТИ БОШЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли тадбир қатнашчилари!

Ҳурматли Муҳаммад ал-Гаргавий жаноблари!

Азиз ёш китобхонлар!

Бугун мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт берилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, дунё шиддат билан ўзгаряпти. Ҳаётимизга рақамли технологиялар, замонавий гаджетлар ва сунъий интеллект тобора чуқур кириб келмоқда. Инсон онги ва қалбини бошқаришга қаратилган босимлар кун сайин кучаймоқда. Лекин бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди. Яъни китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди. Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади.

→ 2

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ IV ЙИҒИЛИШИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Аввалambор, сиз, азизларни туркий цивилизациянинг қадимий марказларидан бири бўлган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида чин дилдан табриклашдан бахтиёрман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу йиғилишнинг доимо адолат тамойилларига таяниб иш юритган Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг пойтахтида, ул зотнинг 690 йиллик қутлуғ таваллуд санаси халқаро миқёсда кенг нишонланаётган кунларда бўлиб ўтаётгани анжуманга алоҳида шукуҳ бағишламоқда.

Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётган Туркий давлатлар ташкилотининг бугунги кунда туркий бирлик ва тараққиёт борасида муҳим роль ўйнаётгани барчамизга юксак ғурур ва ифтихор етказади.

Муҳтарам дўстлар!

Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, самарали бошқарув ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари алоҳида ўрин тутади. Айниқса, дунёнинг геосиёсий харитасида туб ўзгаришлар юз бераётган, қарама-қаршиликлар кўлами, низолар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда ана шу масалаларни биргаликда муҳокама қилиш ва бу борада самарали ечимлар топиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Албатта, мамлакатларимиз ҳаётида адолат ва қонун устуворлигини таъминловчи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва кучли судьялар корпусини яратишда Судьялар кенгашларидан умидимиз катта.

→ 3

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Терма жамоа аъзолари!

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Футболимиз фахрийлари!

Барчангизни катта футбол байрами — АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида бўладиган жаҳон чемпионати олдидан соғ-саломат ва яхши кайфиятда кўриб турганимдан хурсандман.

Биз бу кунларни бутун халқимиз, футбол ишқибозлари билан 34 йил кутдик. Шу маънода, футболчиларимизни Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очган замонамиз қаҳрамонлари деб айтсак арзийди. Чунки улар ҳар бир ўйинга юқори тайёргарлик кўриб, юксак масъулият, ватанпарварлик руҳи билан фақат ғалаба учун майдонга тушди. Халқимизга олам-олам қувонч бағишлади.

Тўғрисини айтсам, мундиал йўлланмаси қўлга киритилган куни кўзимга уйқу келмади. Барча юртдошларимиз каби мен ҳам ич-ичимдан қувондим, байрам қилдим.

Фурсатдан фойдаланиб, майдонда жасорат ва маҳорат кўрсатган футболчиларимизга, уларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарига, устоз ва мураббийларига ташаккур изҳор этаман.

Бугунги учрашувимизда таниқли шоир, адиб ва санъаткорларимиз ҳам иштирок этяпти. Улар майдонда жасорат ва матонат кўрсатган футболчиларимиз ҳақида янги шеър ва асарлар ёзяпти, қўшиқ ва мадҳиялар яратяпти.

Тадбиркорларимизни айтмайсизми, улар ҳам аллақачон ҳаракатни бошлаб юборган. Бизнес вакиллари сизлар орқали миллий "бренди"ни дунёга танитяпти, янги бозорларга чиқяпти.

→ 2

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли юртдошлар!

Азиз футбол мухлислари!

Барчангизни бугунги файзли оқшомда ўтказилаётган катта футбол байрами билан табриклайман.

Бугун — ўзбек футболи учун яна бир тарихий кун. Катта ишонч ва эзгу тилаклар билан миллий терма жамоамизни АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига кузатамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга мана шундай унутилмас кунларни тақдим этган маҳоратли футболчиларимизга, уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналарига, устоз ва мураббийларига, терма жамоамизнинг барча аъзоларига бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Сизларнинг миллий жамоага бўлган меҳрингиз ва садоқатингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Иссиқни иссиқ демай, ёмғирни ёмғир демай, ғалаба онларида ҳам, қийин дамларда ҳам футболчилар билан бирга бўлиб, ҳақиқий ватанпарварлик намунасини кўрсатиб келяпсиз. Бунинг учун стадионни тўлдириб ўтирган мухлисларга, сизлар орқали футболсевар халқимизга алоҳида раҳмат айтаман.

Бугун стадионда фан-клубларимизни ҳам кўриб турибман. Улар терма жамоа ўйинларини нафақат трибунадан кузатяпти, балки футболчилар билан бирга курашяпти, футболнинг ичида яшаяпти.

Фан-клублар аъзолари ҳар бир ўйинда чин ўзбекона, бетакрор услуби билан ўн иккинчи ўйинчи вазифасини муносиб бажариб келяпти, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам фикримга қўшиласиз.

Ишончим комил, улар мундиалда ҳам минглаб юртдошларимиз, хориждаги ватандошларимиз билан бирга, худди ҳозиргидек ғайрат-шижоат ва ҳайқириқлар билан футболчиларимизни қўллаб-қувватлашади.

→ 2

## БАА БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашув аввалида вазир давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, мамлакат Бош вазири, Вице-президенти ва Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум ҳамда Вице-президент Шайх Мансур Ол Наҳаённинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

→ 3

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги самарали алоқалар мамнуният билан қайд этилди. Парламентлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувлар фаол ривожланмоқда.

Товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, йил бошидан буён 23 фоизга ошди. Саноат, энергетика, транспорт ва бошқа муҳим соҳаларда, шу жумладан, минтақалар даражасида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МЕҲР-САХОВАТ ТАДБИРЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш, ушбу қутлуғ айёмда аҳолини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида қарор қиламан:

→ 2

Сурур

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМАСИ МАДҲИЯСИ

Миллионлар ўйини шубҳасиз футбол,
Денгиз мисол мавжланади мухлислар.
Сендан талаб қилингани фақат гол,
Эҳтирослар ошар, тошади ҳислар.

"Оқ бўрилар", зафар доим бўлсин нақд,
Сени ғолиб кўриш бизлар учун бахт.
Қадамингдан титрасин ҳар ўйингоҳ,
Майдонларга мардона чиқ ҳамма вақт!

Ўзбекистон, ўз беклигинг рост бўлсин,
Ўзбекистон, олам номингга тўлсин,
Дунё билсин, ҳар зарбангда болға бор.
Ўзбекистон, фақатгина олға бор!

Прессингда ушлагин рақибларингни,
Бир зум ҳам тўхтатма таъқибларингни.
Барчаси қаршингда ғафлатда қолсин,
Ўйиндан ташқари ҳолатда қолсин!

Ўттиз беш йил ёзганларим дод бўлди,
Мундиалга чиқдинг, дил обод бўлди,
Бир замонлар самоларга сочилган —
Қанча аждодларнинг руҳи шод бўлди.

Ўзбекистон, ўз беклигинг бор бўлсин,
Ўзбекистон, омад сенга ёр бўлсин!
Тап тортмасдан фақатгина олға бор,
Худойимнинг Ўзи мададкор бўлсин!

Ҳар бир қора кўз-қошинг учун ўйна,
Ўйна, ҳар бир юртдошинг учун ўйна,
Ислоҳот-ла футболни ўзгартирган —
Олий мухлис — Юртбошинг учун ўйна!

Ўзбекистон, ўз беклигинг рост бўлсин,
Кучинг кўрсат, ҳар зарбангда болға бор.
Ўзбекистон, номинг дунёга тўлсин,
Ўзбекистон, Ўзбекистон олға бор!

Жаҳон чемпионати — улуғ байрам, тўй,
Тўйингдан айланай, она Ватаним!
Ғарбда Шарқнинг қуёшидай кўрсат бўй,
Бўйингдан айланай, она Ватаним!

**Ботир ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «СИФАТЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ» ДАСТУРИ БЎЙИЧА ФОРУМ ВА ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

← 1

Шуни инобатга олиб, давлат бошқарувида янгича ва илғор ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Албатта, самарали бошқарувни йўлга қўйиш, соҳага замонавий моделларни жорий қилиш, Бирлашган Араб Амирликлари эришган ютуқ ва илғор тажрибани татбиқ этиш биз учун фойдали бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда ушбу мамлакат билан давлат бошқаруви соҳасидаги ҳамкорлик мутлақо янги босқичга кўтарилди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида "Бюрократияни бартараф этиш" ҳамда сунъий интеллект бўйича нуфузли халқаро форумларни биргаликда юқори савияда ўтказдик. Шунингдек, давлат бошқарувида илғор тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик келишувини имзоладик. "Сифатли давлат бошқаруви" дастури ана шу шерикликнинг ёрқин амалий натижасидир. Ушбу дастурни муваффақиятли йўлга қўйишда кўрсатган кўмаги учун Амирликлар раҳбарияти ва шахсан Гаргавий жанобларига самимий миннатдорлигимни билдираман.

Ҳурматли тадбир қатнашчилари!

Бугунги тақдирлаш маросимини Президент даражасида ўтказаётганимиз бежиз эмас, албатта. Бу ерда фақат ғолибларни эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, самарали бошқарувнинг аҳамияти қанчалик муҳим эканига яна бир бор диққатингизни қаратмоқчиман.

Вазирлик ва агентликлар, қўмита ва инспекциялар фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг аҳоли олдидаги масъулиятини янада ошириш энди доимий эътиборимизда бўлади. Бундан буён "жараён учун" эмас, "натижа учун" ишлаш тамойили идоралар фаолиятида асосий мезонга айланади.

Шу нуқтаи назардан, "Сифатли давлат бошқаруви" дастури мутлақо янги бошқарув маданияти ва дунёқарашни шакллантиришга қаратилган ислоҳотдир. Ушбу дастур давлат идоралари фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, энг илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашни кўзлайди.

Жорий йилнинг январь — апрель ойларида дастур доирасида давлат идоралари фаолияти, бошқарув сифати ва раҳбар кадрларнинг етакчилик қобилияти халқаро экспертлар ҳамда маҳаллий мутахассислар томонидан баҳоланди.

Танловда республика миқёсидаги 40 та идора ва уларнинг ходимлари иштирок этди. Бугун қайси давлат идоралари юқори натижага эришганига барчамиз гувоҳ бўламиз.

Мисол учун, Адлия вазирлиги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича энг намунали вазирлик номинациясида ғолиб деб топилди. Вазирлик қисқа вақт ичида замонавий, очиқ ва рақамли адлия институтига айланди. Бугунги кунда вазирлик 30 та платформа орқали тўлиқ рақамлаштирилган 380 та хизматни кўрсатмоқда. 780 дан ортиқ хизматдан онлайн фойдаланиш мумкин. 208 та давлат хизматлари марказидан иборат тармоқ бутун мамлакатимиз бўйлаб ягона стандартни таъминламоқда.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ресурсларни бошқариш бўйича энг намунали вазирлик сифатида эътироф этилди. Мазкур идора масъулиятли, шаффоф ва тежамкор хўжалик юритишнинг ёрқин намунасига айланди. Ажратилган ҳар бир сўм янги конларни қидириб топиш ва соҳани ривожлантиришга сарфланди. Геология-қидирув ишларида сув сарфи 20 фоизга қисқартирилди. Бюджет режалари 2028 йилга қадар олдиндан тузиб чиқилган. Асосий кончилик ускуналарини маҳаллийлаштириш даражаси 84 фоизга етказилди.

Давлат хизматларини кўрсатишдаги ижобий натижалари учун Ички ишлар вазирлиги энг намунали деб тан олинди. Бугунги кунда вазирлик 60 га яқин хизмат турини кўрсатаётган бўлса, уларнинг 95 фоизи тўлиқ рақамли шаклда тақдим этилаётгани диққатга сазовор. Илгари тарқоқ бўлган 72 та маълумотлар базаси ягона "Хавфсиз шаҳар" тизимига бирлаштирилиб, унга 14 та бошқарув маркази ва 20 дан ортиқ вазирлик уланган. Ўтган йили 148 мингдан ортиқ маъмурий иш масофавий тарзда кўриб чиқилди ва одамларнинг идорама-идора сарсон бўлишига йўл қўйилмади. Вазирлик замонавий давлат хизматлари инсон учун яратилган қулайлик билан ўлчанишини амалда кўрсатмоқда.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Ушбу танловнинг бош мақсади — кимнидир мақташ ёки танқид қилиш эмас. Энг муҳими, бу жараён давлат идораларига ўз фаолиятига четдан туриб холис назар ташлаш, камчиликларни бартараф этиб бориш имконини беради.

Шунингдек, танлов доирасида, Тоғ-кон ва геология вазирлиги бошқарма бошлиғи Мақсуд Болибеков энг намунали раҳбар ходим; Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи Фазлиддин Мўминов энг намунали маъмурий ходим; "Ўзатом" агентлиги бош мутахассиси Шоҳмирзо Умаров энг намунали мутахассис ходим; Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири маслаҳатчиси Умматой Йўлдошева энг намунали аёл ходима; Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги лойиҳа офиси раҳбари Акбархон Собирхонов энг намунали истеъдодли ёш ходим; Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Мирсаид Раҳматов инсон ресурслари бўйича энг намунали ходим сифатида ғолиб бўлдилар.

Ҳозир эътироф этилган барча ғолибларнинг лавозимларини бир поғона кўтариб, раҳбар кадрлар захирасига киритсак, ўйлайманки, бу ҳам адолатли иш бўлади. Уларнинг теран фикрлаши, ўз устида доимий ишлаши, меҳнат фаолиятига инновацион ёндашувларни жорий қилиши бошқалар учун ўрнак бўлмоғи лозим.

Бугунги тадбирда яхши натижа кўрсатганларни эътироф этяпмиз. Бироқ келгуси сафардан бошлаб рўйхатнинг охирида қолган давлат идоралари номини ҳам очиқ айтамиз. Фаолиятида жиддий камчиликлар кўзга ташланаётган, самарадорлик ва хизмат сифати бўйича оқсаётган ташкилотлар бундан ўзига жиддий хулоса чиқариши керак.

Энди "Сифатли давлат бошқаруви" дастури ҳар икки йилда ўтказилиб, келгуси босқичдан унда маҳаллий ҳокимликлар ҳам иштирок этади. Чунки ислоҳотлар натижаси, аввало, энг қуйи бўғинда сезилиши керак. Содда қилиб айтганда, агар туман ёки шаҳар даражасида ўзгариш бўлмаса ҳар қанча уринмайлик, ислоҳотларимиз кутилган натижани бермайди.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида янги, замонавий босқични бошлаяпмиз. Бу борада халқимиз ишонадиган ва инонадиган, инсон қадрини ҳар томонлама улуғлайдиган, оддий одамларнинг оғирини енгил қиладиган энг самарали давлат тизимини яратишга бундан буён ҳам асосий урғу берамиз.

Ушбу йўлда барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилсак, бор куч-ғайратимизни сафарбар этсак, кўзлаган баланд марраларга албатта эришамиз.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, янги зафарлар ва фаровонлик тилаб қоламан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МЕҲР-САХОВАТ ТАДБИРЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

← 1

**I. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда "Вақф" хайрия жамоат фондининг муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) қуйидаги тоифадаги беморларнинг тиббий текширувдан ўтиш, жарроҳлик амалиёти ва даволаш харажатларини қоплаш:

i) оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болаларда жарроҳлик амалиётини ўтказиш;

ii) 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхис қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, уларни даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш;

iii) камида 350 нафар беморларда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказиш;

б) ижтимоий ҳимояга муҳтож қуйидаги болаларнинг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотини ўтказиш:

i) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар (васийлик, ҳомийлик ва патронатдаги болалар);

ii) Меҳрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари, кичик ҳажмли болалар уйлари ҳамда "SOS" болалар маҳалласи тарбияланувчилари;

iii) Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналарнинг фарзандлари;

iv) "Taskin Children's Hospice" болалар онкологик шифохонасида даволанаётган болалар;

в) 500 та масжидда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш мақсадида уларда замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш ҳамда жойлардаги қабристонларни обод қилиш.

2. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1-банди "а" кичик бандида назарда тутилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, жарроҳлик ва даволаш амалиёти Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайдиган тиббиёт ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бунда:

а) беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, жарроҳлик ва даволаш амалиётини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар доирасида донорларнинг харажатларини қоплаш кўзда тутилади;

б) тиббиёт ташкилотлари томонидан даволаш тадбирлари тасдиқланган стандартлар ҳамда клиник протоколлар асосида ўтказилиши устидан назорат Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирлар давлат мақсадли жамғармалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ажратиладиган 690 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ҳисобидан "Вақф" хайрия жамоат фонди орқали молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ҳамда ушбу мақсадларда кўнгилли хайрия ҳашарларини ўтказиш;

б) ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонларини ёзиш ҳамда зиёратгоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ташкил этиш.

**II. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

5. Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ва меҳр-саховат тадбирларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари раислигида ҳудудий кенгашлар (кейинги ўринларда — ҳудудий кенгашлар) ташкил этилсин ва уларнинг намунавий таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган меҳр-саховат ва хайр-эҳсон тадбирларининг манзилли амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ва туман (шаҳар) ҳокимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) юртимиздаги муқаддас қадамжолар, масжидлар ва қабристонларни обод қилиш ва аҳолида аждодлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш туйғуларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

в) мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар доирасида юзага келаётган муаммоларни тезкор бартараф этиш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Вақф" хайрия жамоат фонди орқали тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти харажатларини қоплаш қуйидаги тартибда молиялаштирилади:

а) тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти ўтказиладиган касалликлар рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

б) беморларни тегишли тиббиёт ташкилотига йўллаш ва даволаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — "UZINFOCOM" МЧЖ билан биргаликда улар тўғрисидаги маълумотларни ахборот модулига киритиш орқали амалга оширилади;

в) тиббий текширув, жарроҳлик ва даволаш амалиёти ўтказилган беморларга кўрсатилган хизматлар харажатларини қоплаш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан тақдим этилган маълумотномага асосан ушбу маълумотнома тақдим этилган вақтдан эътиборан беш иш куни ичида "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 17 февралдаги "Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги ПҚ-67-сон қарори доирасида "Вақф" хайрия жамоат фондига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган касалликлар ва тиббиёт ташкилотлари рўйхатига мувофиқ даволаниш ёки жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳуқуқи берилсин.

9. Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Агентлик билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш билан боғлиқ хайру саховат ва мурувват тадбирларининг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил қилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П.Оллоёров, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Диний-маърифий масалалар бўйича департаментининг бошлиғи М.М.Камилов ҳамда соғлиқни сақлаш вазири Э.Э.Адилов белгилансин.

12. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 22 май

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИЛЛИЙ КИТОБХОНЛИК ҲАРАКАТИ БОШЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

← 1

Сунъий интеллект асрида одамзоднинг энг катта устунлиги — мустақил фикрлай олиш қобилиятидир. Китоблар бу йўлда энг яхши дўст ва беғараз кўмакчи ҳисобланади.

Биз Янги Ўзбекистонда мутолаа маданиятини, китобга бўлган эътиборни давлат сиёсати даражасига кўтаряпмиз. Китобхонлик — бу фақат таълим масаласи эмас, балки миллатимиз, халқимизнинг келажаги, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайдиган беқиёс маънавий кучдир.

Улуғ аждодларимиз — Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотлар инсоният цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг ҳар бири китоб мутолаа қилиш орқали юксак марраларга эришганлар. Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг **"Китоб — беминнат устоз, маънавий юксалишнинг асосий манбаи"** деган сўзларида чуқур маъно мужассам.

Бугунги ёшларимиз ана шундай буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишлари зарур. Бунинг ягона йўли — **билим, билим ва яна бир бор билим!**

Қадрли дўстлар!

Биз халқаро майдонда қудратли ва юксак салоҳиятли халқ сифатида ўзимизни намоён этишимиз учун иккита мустаҳкам асосга таянишимиз лозим.

**Биринчиси — бебаҳо илмий ва маънавий меросимиз.**

**Иккинчиси — замонавий илм-фан ва илғор технологиялар.**

Ана шу манбаларни уйғунлаштириб, чуқур фикрлайдиган, билимли, ватанпарвар авлодни тарбиялаш — энг муҳим вазифамиз.

Мен давлат раҳбари сифатида ўз фаолиятимни бошлаган дастлабки кунлардан бу масалага устувор аҳамият қаратиб келяпман. Шу мақсадда мамлакатимизда 2017 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ёш китобхон" танлови миллионлаб ёшларни китобга ошно қилди, уларда ўқишга меҳр ва рағбат уйғотди. "Ёш китобхон оила" танлови эса китобхонлик муҳитини ҳар бир оилага олиб киришга хизмат қилмоқда. Жорий йил бошида алоҳида қарор қабул қилиб, энг фаол китобхонларни қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйганимиз ушбу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Хабарингиз бор, куни кеча "Ёш китобхон" танловининг навбатдаги республика босқичи якунланди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган 42 нафар энг билимдон, зукко ўғил-қизларимиз ўз иқтидор ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этди. Танлов якунларига кўра, Фарзона Носирова, Жасурбек Абдуғаффоров ва Фазилат Диёрова ғолиб деб топилди. Улар ҳозир даврамизда ўтиришибди. Бугун ғолиблар кенг жамоатчилик иштирокида Президент совғаси — замонавий автомобиллар билан тақдирландилар. Уларнинг ютуғи ўзлари каби миллионлаб ёшларга ибрат ва катта рағбат бўлди, десам, асло янглишмайман. Бундай китобсевар ўғил-қизларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бу китобхон фарзандларимизни, уларнинг устозлари ва ота-оналарини чин қалбимдан табриклайман, барчаларига раҳмат айтаман.

**Иқтидорли, зеҳни ўткир, изланиш ва интилишдан тўхтамайдиган ёшлар — Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий таянчи ва суянчидир.**

Биз ушбу танловларни ўтказиш бўйича мамлакатимизда катта тажриба тўпладик. Бу борада дунёдаги илғор анъаналарни ҳам чуқур ўргандик. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари китобхонлик бўйича бутун дунёга ибрат намунаси бўлиб келмоқда. 2015 йилда Шайх Муҳаммад бин Рашид Ол Мактум Ҳазрати Олийларининг ташаббуси билан бошланган "Араб китобхонлик танлови" дастури бугунги кунда жаҳондаги энг йирик маърифий ташаббуслардан бирига айланди. Қисқа фурсат, атиги 10 йил давомида ушбу ҳаракат жаҳондаги 200 миллиондан ортиқ ўқувчиларни қамраб олди.

Давлатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва стратегик шериклик доирасида бу эзгу ғояни бой маънавий меросимиз асосида юртимизда янги босқичга олиб чиқишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Амирликлар ҳукуматига ва ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад ал-Гаргавий жанобларига самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз фарзандларим!

Бугун сизлар билан китобхонликни умуммиллий халқ ҳаракатига айлантириш йўлида тарихий қадам қўймоқдамиз. Бошланаётган "Миллий китобхонлик ҳаракати" дастури аввалги ташаббусларимизнинг ажралмас қисми бўлади. Мен куни кеча ушбу дастурни давлат миқёсида фаол қўллаб-қувватлаш учун алоҳида фармойиш имзоладим. Энди ҳар йили ушбу тадбирнинг финал босқичи Президент даражасида ўтказилади. Унинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этади. Бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланади. Бу — мамлакатимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофотдир.

Мазкур ҳаракат юртимизнинг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олади. Унда мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари, жумладан, 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчилар учун иштирок этиш имконияти яратилади.

Қайси мактаб энг китобхон мактаб бўлади? Қайси ҳудуд энг фаол иштирок этади? Қайси ўқувчи 50 та китобни биринчи бўлиб ўқиб тугатади?

Шу саволлар юртимизнинг интилувчан ва заковатли ёшларини китоб деган мўъжиза атрофида бирлаштириши, уларнинг қалбида янги бунёдкорлик руҳини уйғотиши лозим. Мен барча мактабларда, умуман, жамиятимизда китобхонлик муҳити, соғлом онгу тафаккур устувор бўлишини истайман.

Юртимиздаги ўғил-қизларимиз орасидан келажакда буюк олимлар, ихтирочилар, шоир ва адиблар албатта етишиб чиқади. Мен уларга қарата айтмоқчиман: **ҳаётда юксак марраларга эришган инсонларнинг барчасида бир умумий фазилат бор — улар кўп китоб ўқишган, ҳар куни мутолаа қилишган. Китоб уларнинг бир умрлик донишманд ва садоқатли дўсти бўлган.**

Шу ўринда муҳтарам устозлар ва ҳурматли ота-оналарга ҳам мурожаат қилмоқчиман.

Қайси хонадонда китоб ўқилса, ўша оилада билим ва маънавият бўлади. Қайси жамият кўп ўрганса, изланса, ўша жамият албатта тараққий этади.

Мен ушбу дастурни шунчаки китоб ўқиш мусобақаси эмас, балки жонажон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция деб биламан. Агар биз бугун болаларимизнинг қўлига яхши китоб берсак, эртага улар Янги Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга албатта қодир бўлади. Шунинг учун барчангизни ушбу умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этишга чақираман.

Қадрли ўғил-қизларим!

**Албатта, телефон тутиш осон, гаджетлардан фойдаланиш қулай. Бироқ китоб билан дўстлашган инсон ҳаёт йўлида узоққа боради. Китоб ўқиган ва ундаги эзгу маъноларни англаган миллат ҳеч қачон енгилмайди.**

Улуғ маърифатпарвар боболаримизнинг **"Илмдан бошқа нажот йўқ"** деган ҳикматли сўзларининг маъно-мазмунини биз бутун мамлакат миқёсида ҳаётга татбиқ этяпмиз. Мен бу олийжаноб ғоя ҳар бир ўғил-қизнинг қалбидан чуқур жой олишини, ҳаётнинг олтин қоидасига айланишини тилайман.

Барчангизни юртимизда ушбу муҳим тарихий ҳаракат бошлангани билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

← 1

Азиз фарзандларим, кўряпсизларми, сизлар нафақат спорт ривожига ҳисса қўшяпсиз, балки тадбиркорларимизга янги имкониятлар эшигини очяпсиз, адабиёт ва санъат аҳлига янги илҳом, янги руҳ ва қанот беряпсиз. Ёшларимизга ҳақиқий ўрнак бўлдингиз, "мен ҳам машҳур футболчи бўламан" деган болажонларимиз сафи кўпайиб боряпти. Кўп миллатли халқимиз сизлар билан доим фахрланади!

Қадрли дўстлар!

Албатта, ҳеч нарса ўзидан-ўзи бўлиб қолмайди, бундай ғалабаларга осонликча эришилмайди. Юртимизда спортга, хусусан, футболга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар бу ютуқларга катта замин бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сўнгги йилларда жойларда 200 дан зиёд йирик спорт иншоотлари, 4 мингга яқин хусусий спорт клублари иш бошлади, 1,5 мингдан ортиқ маҳаллада спорт майдончалари қуриб берилди, пойтахтимизда замонавий Олимпия шаҳарчасини барпо этдик, Юқори Чирчиқда "Миллий футбол маркази"ни ишга туширдик, ҳар бир вилоятда биттадан профессионал футбол академияси ва футбол мактабларини ташкил қилдик.

Ана шу ишларимиз ҳисобига ҳаваскор футболчилар сони 5 миллионга етди, футбол билан мунтазам шуғулланувчилар 1 миллион 300 мингдан ошди, профессионал футболчилар эса 17 мингга етди. Энг асосийси, биз футболда коррупция, таниш-билишчилик деган иллатни йўқ қилдик. Очиқ ва шаффоф тизим яратдик. Бу — энг иқтидорли ёшларни, чинакам истеъдодларни катта майдонга олиб чиқди.

Мана, даврамизда футболимиз фахрийлари ҳам ўтирибди. Улар ҳам ўз маслаҳатлари билан бу ишларимизни қўллаб-қувватлашди, дуода бўлишди. Сизларга ҳам катта раҳмат.

Азиз юртдошлар!

Биз учун футбол нафақат профессионал спорт тури, балки ёшлар тарбияси, соғлом турмуш, интизом ва ватанпарварлик мактаби бўлади. Энди юртимиздаги ҳар бир маҳаллага футбол нафаси кириб боради. Ҳар бир болага ўз маҳалласида тўп тепиш, мусобақаларда қатнашиш, ўз истеъдодини кўрсатиш имконияти яратилади. Бунинг учун **"Ҳар бир маҳалла — футбол майдони"** дастурини бошлаймиз.

Бу — умуммиллий ҳаракатга айланади. Дастур доирасида "Маҳалла лигаси" ташкил этилиб, 12 — 17 ёшли ўғил-қизлар ўртасида маҳалла футбол жамоалари тузилади, ҳар йили ҳаваскор футболчилар иштирокида "маҳалла — туман — вилоят — республика" босқичларидан иборат мусобақалар ўтказилади.

Умуман, "Маҳалла лигаси" энг яхши иқтидорларни селекция қилишда профессионал клублар учун тайёр база бўлади.

Ҳурматли дўстлар!

Майдонда тўпни футболчи тепади, лекин ўйин услуби ва тактикани мураббий белгилайди. Бугун терма жамоамиз билан катта тажриба ва чемпионлик характерига эга Фабио Каннаваро бошчилигидаги мураббийлар штаби ишлаяпти. Биз Фабио Каннаваррони футболчилик давридан яхши биламиз.

2006 йилда Германияда ўтказилган мундиалда Каннаваро сардорлик қилган Италия терма жамоаси жаҳон чемпиони бўлган. Ўша йили Каннаваро дунёнинг энг яхши ўйинчиси деб эътироф этилган ва футбол тарихида "Олтин тўп" соҳиби бўлган кам сонли ҳимоячилардан бирига айланган. Зидан, Роналду каби замонавий футбол афсоналари ҳам Каннаваррони ўзларига қарши ўйнаган энг кучли ҳимоячи деб тан олган.

Каннавaронинг майдондаги ўйинни олдиндан сезиш, ҳис қилиш қобилияти, тартиб-интизоми ва лидерлик хусусиятлари унинг мураббий бўлиб шаклланишига замин яратди. Фабио Каннаваро Ўзбекистонга энди келган кунларида жисмоний тайёргарлик ва интизом масаласига кўп тўхталган эди. Шунинг учун футболдаги ҳар бир кичик деталга ҳам эътибор қаратиб, жисмоний тайёргарлик ва ҳужумчилар билан ишлайдиган мураббийларни, шифокор, нутрициолог ва ошпазларни олиб келди ҳамда халқаро тажрибага эга яхши жамоани шакллантирди.

Футболчиларимиз ўйинида кўряпмиз: тўғри позиция танлаш, юқори прессинг, тўп назорати, тезкор қарши ҳужум каби футбол элементлари кўпайди. Миср, Эрон, Венесуэла ва Габонга қарши ўйинларда бунга барчамиз гувоҳ бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Фабио Каннаваррони мураббий сифатида мундиалдаги биринчи иштироки билан табриклаб, мураббийлар штабига янги зафарлар тилайман.

Энди футболчиларга қарата айтмоқчиман: жаҳон чемпионатида осон ўйиннинг ўзи бўлмайди. Сизлар Португалия, Колумбия, Конго каби кучли терма жамоаларга қарши ўйнайсиз. Халқимиз ҳар бир ўйинда сизлардан ғалаба кутиши табиий, албатта. Лекин бир ҳақиқатни доимо ёдда тутинг, сизлар тарихни аллақачон яратиб бўлдингиз!

Олдингизда турган муҳим учрашувларда ортиқча босимсиз, ҳеч кимдан ҳайиқмасдан, борингизни бериб ўйнанг!

Ҳар бир тўп учун, ҳар бир вазият учун, майдоннинг ҳар бир қаричи учун охиригача курашинг!

Барча масъулларга, элчиларга топшириқ берганман. Мундиалдаги ҳамма ўйинларингизда фан-клублар аъзолари, минглаб футбол мухлислари, Америкадаги ватандошларимиз ҳам стадиондан сизларни қўллаб-қувватлаб туради.

Майдондаги ҳар бир ҳаракатингизни 40 миллионли халқимиз экран ортида катта ҳаяжон билан, ҳайқириб кузатади, юракларни жунбушга келтирадиган ҳиссиёт ва ҳаяжонга эга бўлади.

Ёдингизда бўлсин: эл-юртимиз сизларга ишонади, Президент сизларга ишонади!

Ҳар бир рақибга қарши мардонавор беллашиб, Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилинг!

Ғалаба ва омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

← 1

Ҳурматли юртдошлар!

Юртимизда футбол аллақачон ҳар бир оиланинг дўстига айланиб улгурган, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Кўриб турибман, бугун ҳам кўпчилигингиз стадионга фарзанд ва набираларингиз билан келгансиз. Спортчиларимиз эришаётган ютуқлардан руҳланиб, уларнинг орасидан ҳам янги-янги чемпионлар албатта чиқади.

Янги Ўзбекистонда спортга қаратилаётган эътибор, ҳар бир ҳудудда бунёд этилаётган йирик спорт иншоотлари, жойларда ташкил этилаётган профессионал футбол академиялари, яқинда иш бошлаган "Миллий футбол маркази" ёшларимиз янги-янги ютуқларни қўлга киритиши учун мустаҳкам замин бўлади.

Ўтган йили пойтахтимизда 100 гектардан зиёд майдонда 5 та йирик спорт мажмуасини ўз ичига олган Олимпия шаҳарчасини қуриб битказдик. Янги Тошкентда ФИФА стандартларига тўлиқ жавоб берадиган 55 минг ўринли муҳташам стадион қад ростламоқда. Бу стадион юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари учун катта совға бўлади. Бундай замонавий иншоотлар мамлакатимизда кўплаб нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказишга хизмат қилади. Спортчиларимизни янада улкан ва ёрқин ғалабалар сари етаклайди.

Қадрли терма жамоа аъзолари!

Бугун халқимиз юқори кайфият билан сизларга оқ фотиҳа бериб, катта мундиалга кузатмоқда. Сизларни олдинда Португалия, Колумбия, Конго каби кучли терма жамоалар билан муҳим ўйинлар кутиб турибди.

Катта куч-ғайрат билан, ишонч билан майдонга чиқинг!

Шуни билингки, биз доим сизлар билан биргамиз!

Ҳақиқий ўзбекона жасорат, матонат ва ирodaнгиз билан чиройли ва ишончли ўйин кўрсатиб, барчамизни хурсанд қиласиз деб ишонамиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун сизларнинг қаторингизда менинг қалбим ҳам фахр ва ифтихорга тўлиб турибди. Ўзбек халқи ҳамиша катта орзу-умидлар билан фақат олдинга интилиб яшаган. Келинглар, бугун ҳаммамиз яхши ният қилайлик:

**Янги Ўзбекистон спорти янада ривожлансин, футболимиз янада гуллаб-яшнасин!**

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Яшасин ўзбек футболи!

Яшасин Янги Ўзбекистон ёшлари!

Яшасин бунёдкор Ўзбекистон халқи!

# ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ СУДЬЯЛАР КЕНГАШЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ IV ЙИҒИЛИШИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

← 1

Айни шу жиҳатдан қараганда, бугунги йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар Кенгашларнинг истиқболдаги фаолиятида янги йўналишларни белгилаб беради деб ишонаман.

Хусусан, анжуман доирасида имзоланиши кутилаётган Аъзо давлатларда Судьялар одобининг умумий принциплари тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми туркий халқларнинг тарихий-ҳуқуқий анъаналари умумийлиги ва суд тизимлари ўртасида муштарак ахлоқий мезонлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, бу муҳим ҳужжат судьяларнинг халқаро миқёсда эътироф этилган хулқ-атвор мезонларининг аҳамиятини эътироф этиб, миллий ҳуқуқий анъаналарга ҳурмат билан ёндашишни ҳам кўзда тутади.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг 6 майида Тошкентда бўлиб ўтган Одил судлов академиялари форумида суд-ҳуқуқ соҳасида туркий давлатлар таълим тизимини ташкил этишнинг минимал стандартларига оид халқаро ҳужжат қабул қилинди.

Бу мамлакатларимизда судьяларни тайёрлашнинг янги ва универсал тизимини жорий этишга қаратилгани билан, айниқса, диққатга сазовордир.

Қадрли анжуман қатнашчилари!

Сизлар Самарқанд йиғилишида барча давлатлар учун устувор вазифалардан бири бўлган қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек эзгу мақсадлар йўлида салмоқли натижаларга эришасиз деб ишонаман.

Энг муҳими, бундай форумлар мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик, халқларимиз орасида яқин дўстлик ва қардошлик ришталарини янада кучайтиришга, туркий дунёнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сизларни ушбу тадбирдаги иштирокингиз билан яна бир бор қутлаб, ғоят шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан омадлар, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# БАА БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

← 1

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, аввало, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон — БАА дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб, устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлат хизмати механизмларини такомиллаштиришнинг 10 та асосий йўналиши бўйича ҳамкорликни назарда тутувчи қўшма "Йўл харитаси" изчил амалга оширилмоқда. БААнинг бюрократияни қисқартириш соҳасидаги илғор тажрибаси жорий этилмоқда. Тегишли дастур доирасида лойиҳа офиси ишга туширилди.

Ҳозирга қадар қамрови бир миллиондан ошган "Беш миллион сунъий интеллект етакчилари" таълим дастурини амалга ошириш натижалари ҳам эътироф этилди.

Умуммиллий китобхонлик ҳаракатини биргаликда йўлга қўйиш режалари кўриб чиқилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва камол топтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма тараққиёт форумларини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ривожига хизмат қилувчи стратегик ва концептуал ҳужжатларни тайёрлашни илгари суриш бўйича келишувга эришилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

← 1

Дарҳақиқат, юртимиз футбол мухлислари ана шундай қутлуғ кунни қарийб 34 йил интиқлик билан кутди. Миллий терма жамоа футболчилари ҳар бир учрашувга юксак масъулият, чексиз ватанпарварлик ва ғалабага мустаҳкам ишонч билан чиқиб, ўзбек футболининг шонли солномасига зарҳал ҳарфлар билан битиладиган янги саҳифани ёзди.

Президентимиз ўз нутқида футболчилар, уларни вояга етказган ота-оналар, устоз ва мураббийларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Учрашувда миллий терма жамоанинг бу муваффақияти нафақат спорт соҳаси, балки бутун жамият ҳаётида катта руҳий кўтаринкилик ва бирдамлик муҳитини юзага келтиргани алоҳида таъкидланди. Бугун футболчиларимиз минглаб ёшлар учун орзу ва мақсад сари интилувчанлик тимсолига айланди. Юртимизда спортга қизиқиш янада ортмоқда, ижод аҳли, тадбиркорлар, кенг жамоатчилик ушбу тарихий воқеликдан илҳом ва куч олмоқда.

Учрашувда миллий терма жамоа бош мураббийи Фабио Каннаваро бошчилигидаги мураббийлар штаби фаолияти ҳам алоҳида эътироф этилди. Таъкидланганидек, мураббийлар штаби футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, интизоми, тактик савияси ва ҳар бир деталга масъулият билан ёндашувни янги босқичга олиб чиқмоқда. Жамоа ўйинида тўғри позиция танлаш, юқори прессинг, тўп назорати ва тезкор қарши ҳужумлар каби замонавий футбол услублари тобора мустаҳкам қарор топмоқда.

Шу куни Президентимиз "Бунёдкор" стадионида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини 2026 йилги жаҳон чемпионатига кузатишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Маросим аввалида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари майдонда ғурур ва юксак руҳ билан саф тортди. "Бунёдкор" стадионида йиғилган минглаб мухлислар қалбида фахр, ҳаяжон ва ишонч туйғулари жўш уриб, халқимиз катта футбол байрамининг бетакрор муҳитини ҳис этди.

Давлатимиз раҳбари стадионга ташриф буюрган юртдошларимиз, спорт жамоатчилиги, миллий терма жамоа аъзолари, мураббийлар штаби ҳамда футбол мухлисларини ушбу улуғ ва тарихий воқеа билан самимий табриклади.

Маросимда футбол мухлисларининг миллий жамоага меҳри, садоқати ва юксак ишончи алоҳида эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари ғалаба лаҳзаларида ҳам, синовли паллаларда ҳам футболчилар билан елкама-елка бўлиб келаётган юртдошларимизга самимий ташаккур изҳор қилди.

Фан-клублар фаолияти ҳам алоҳида қайд этилди. Таъкидланганидек, улар терма жамоа ўйинларини шунчаки трибунадан кузатмаяпти, балки ҳар бир баҳсда ўзбекона шижоат, садоқат ва бетакрор қўллаб-қувватлаш муҳити билан ҳақиқий "ўн иккинчи ўйинчи" вазифасини муносиб адо этмоқда. Давлатимиз раҳбари жаҳон чемпионати баҳсларида ҳам минглаб мухлислар ва хориждаги ватандошларимиз миллий жамоамизни бир тану бир жон бўлиб қўллаб-қувватлашига қатъий ишонч билдирди.

Президентимиз миллий терма жамоа футболчиларига мурожаат қилиб, бутун халқимиз уларни эзгу тилаклар билан катта мундиалга кузатаётганини қайд этди. Олдинда кучли рақиблар билан муҳим ва масъулиятли учрашувлар турганини, футболчиларимиз ҳар бир баҳсга юксак ишонч, катта куч-ғайрат ва ҳақиқий ватанпарварлик руҳи билан чиқиши зарурлиги таъкидланди.

*— Шуни билингки, биз доим сизлар биланмиз. Ҳақиқий ўзбекона жасорат, матонат ва иродангиз билан чиройли ва ишончли ўйин кўрсатиб, барчамизни хурсанд қиласиз, деб ишонаман, — деди Юртбошимиз.*

Нутқ якунида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграб, стадионда йиғилган минглаб юртдошлар қалбида ифтихор туйғуларини янада жўштирди.

Шундан сўнг концерт дастури намойиш этилди. Тадбир якунида миллий терма жамоанинг назорат учрашуви бўлиб ўтди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТУРКИЙ БИРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

*Самарқанд шаҳрида 22 май куни ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти Судьялар кенгашлари раҳбарларининг IV йиғилишида ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи тобора юксалиб бораётгани айтилди. Ташкилот туркий бирлик ва тараққиётни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида урғу берилди.*

## Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркий давлатлар ташкилоти Судьялар кенгашлари раҳбарларининг IV йиғилиши иштирокчиларига йўллаган мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Анжуманда Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон Судьялар кенгашлари раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби қатнашди.

Иштирокчилар геосиёсий вазият мураккаблашиб бораётган ҳозирги шароитда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мустақил суд тизимини шакллантириш масалалари янада долзарб аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда судьялар кенгашларининг фаолияти, судьялар корпусини шакллантириш ва ахлоқий меъёрларни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида аъзо давлатларда судьялар одобининг умумий принциплари тўғрисидаги ўзаро англашув меморандумини имзолаш режалаштирилгани маълум қилинди. Қайд этилишича, мазкур ҳужжат туркий халқларнинг умумий ҳуқуқий анъаналари ва суд тизимлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Туркий давлатлар ташкилоти Судьялар кенгашлари раҳбарларининг навбатдаги V йиғилиши Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтиши белгиланди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ

← 1

Ортиқча қоғозбозлик ва бюрократия ислоҳотлар самарасини пасайтириши, аҳолининг давлатга ишончини сусайтириши таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, давлат бошқарувида янгича ва илғор ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутмоқда. Сўнгги йилларда давлат бошқаруви соҳасида икки мамлакат ўртасидаги шериклик янги босқичга кўтарилди. Ўтган йил ноябрь ойида бюрократияни бартараф этиш ва сунъий интеллект бўйича халқаро форумлар биргаликда юқори савияда ўтказилди, давлат бошқарувида илғор тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик келишуви имзоланди.

"Сифатли давлат бошқаруви" дастури ана шу ҳамкорликнинг амалий натижаси сифатида баҳоланди.

Президентимиз мазкур дастур давлат идоралари фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Жорий йил январь — апрель ойларида дастур доирасида 40 та республика идораси фаолияти, бошқарув сифати ва раҳбар кадрларнинг етакчилик қобилияти халқаро экспертлар ҳамда маҳаллий мутахассислар томонидан баҳоланди.

Тақдирлаш маросимида бир қатор вазирлик ва идоралар эришган натижалари учун эътироф этилди.

Адлия вазирлиги "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича энг намунали вазирлик номинациясида ғолиб деб топилди. Қайд этилганидек, вазирлик қисқа вақтда замонавий, очиқ ва рақамли адлия институтига айланди. Бугунги кунда 30 та платформа орқали 380 та хизмат тўлиқ рақамлаштирилган, 780 дан ортиқ хизматлардан онлайн фойдаланиш имконияти яратилган, 208 та давлат хизматлари маркази бутун мамлакат бўйлаб ягона стандарт асосида ишламоқда.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ресурсларни бошқариш бўйича энг намунали вазирлик сифатида эътироф этилди. Вазирликда ажратилган маблағлар янги конларни қидириб топиш ва соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани, геология-қидирув ишларида сув сарфи 20 фоизга қисқартирилгани, асосий кончилик ускуналарини маҳаллийлаштириш даражаси 84 фоизга етказилгани таъкидланди.

Ички ишлар вазирлиги давлат хизматларини кўрсатишдаги ижобий натижалари учун энг намунали деб топилди. Вазирлик томонидан кўрсатилаётган 60 га яқин хизматнинг 95 фоизи рақамли шаклга ўтказилган. Илгари тарқоқ бўлган 72 та маълумотлар базаси ягона "Хавфсиз шаҳар" тизимига бирлаштирилиб, унга 14 та бошқарув маркази ва 20 дан ортиқ вазирлик уланган. Ўтган йили 148 мингдан зиёд маъмурий ишлар масофавий тарзда кўриб чиқилган.

Танлов доирасида намунали раҳбар ва мутахассис ходимлар ҳам тақдирланди. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги бошқарма бошлиғи Мақсуд Болибеков энг намунали раҳбар ходим, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи Фазлиддин Мўминов энг намунали маъмурий ходим, "Ўзатом" агентлиги бош мутахассиси Шоҳмирзо Умаров энг намунали мутахассис ходим, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири маслаҳатчиси Умматой Йўлдошева энг намунали аёл ходим, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги лойиҳа офиси раҳбари Акбархон Собирхонов энг намунали истеъдодли ёш ходим, Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Мирсаид Рахматов инсон ресурслари бўйича энг намунали ходим сифатида ғолиб бўлди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Олим Омонов энг намунали вазир ўринбосари, Атом энергияси агентлиги директори Азим Аҳмадхўжаев энг намунали агентлик директори, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Халилилло Тўрахўжаев энг намунали қўмита раиси сифатида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари эътироф этилган ходимларни лавозимини бир поғонага кўтариш ва раҳбар кадрлар захирасига киритиш таклифини билдирди. Уларнинг ўз устида доимий ишлаши, янгича фикрлаши ва меҳнат фаолиятига инновацион ёндашувларни татбиқ этиши бошқалар учун ўрнак бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз келгуси босқичларда дастур янада очиқ ва талабчан бўлишини қайд этди. Бундан буён яхши натижа кўрсатган идоралар билан бирга самарадорлик ва хизмат сифати бўйича ортда қолаётган ташкилотлар ҳам очиқ айтилади. Бу давлат идораларини ўз фаолиятига холис баҳо бериш, камчиликларни бартараф этиш ва аҳоли олдидаги масъулиятини оширишга ундайди.

Эндиликда "Сифатли давлат бошқаруви" дастури ҳар икки йилда ўтказилади. Келгуси босқичдан унда маҳаллий ҳокимликлар ҳам иштирок этади. Чунки ислоҳотлар натижаси, аввало, қуйи бўғинда, туман ва шаҳарлар даражасида сезилиши керак.

Давлатимиз раҳбари халқ ишонадиган, инсон қадрини улуғлайдиган, одамларнинг оғирини енгил қиладиган самарали давлат тизимини яратиш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолишини таъкидлади. Вазирлик ва идоралар фаолиятида "жараён учун" эмас, "натижа учун" ишлаш тамойили асосий мезонга айланиши зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев "Келажак учун" истиқболли ташаббуслар форуми доирасида саралаб олинган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим жиҳати — аҳолининг, айниқса, ёшлар ва ташаббускор фуқароларнинг илғор ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларни амалий лойиҳаларга айлантириш учун очиқ ва самарали механизмлар яратишдир.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2025 йил 14 июлдаги "Ислоҳотларни амалга оширишда истиқболли ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, "Келажак учун" истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Унинг асосий мақсади кенг жамоатчилик томонидан илгари сурилаётган долзарб таклифларни саралаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Форум доирасида "kelajakuchun.gov.uz" краудплатформаси ишга туширилди. Бу орқали аҳоли ўз ташаббусларини очиқ тарзда тақдим этиши, уларни муҳокама қилиш ва эксперт баҳолашидан ўтказиш имконияти яратилди.

Жорий йилги форум учун ташкилий қўмита томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш, экология, сув таъминоти ва "яшил" энергетика қамровини кенгайтириш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш, тиббиёт ва таълим сифатини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Форум эълон қилингач, аҳолидан 1 300 дан ортиқ таклиф ва ташаббус келиб тушди. Дастлаб улар Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги ҳамда "Бизнесни ривожлантириш банки" томонидан кўриб чиқилиб, белгиланган устувор йўналишлар кесимида умумлаштирилди.

Шундан сўнг ташаббуслар Менторлар кенгаши аъзолари ва соҳавий экспертлар иштирокида таҳлил қилиниб, амалий аҳамияти, жорий этиш имконияти, ижтимоий-иқтисодий самараси ва кенгайтириш истиқболлари нуқтаи назаридан баҳоланди. Ушбу жараён якунлари бўйича энг долзарб лойиҳалар "ТОП — 50" ва "ТОП — 10" рўйхатларига саралаб олинди.

Форумнинг биринчи кунида "ТОП — 10" ташаббус муаллифларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолибларга сертификатлар ва пул мукофотлари топширилди.

Давлатимиз раҳбарига тақдим этилган лойиҳалар орасида йўл қурилишида пластик чиқиндилардан фойдаланиш, инновацион ҳаво тозалаш ускунасини ишлаб чиқиш, чекка ҳудудларни кўчма қурилма воситасида энергия билан таъминлаш, пиёдалар йўлакчасида автоматлаштирилган огоҳлантириш тизимини жорий қилиш, миллий муҳандислик платформасини яратиш каби ташаббуслар бор.

Тақдимотда ушбу ғояларнинг ҳар бири муайян ижтимоий ёки иқтисодий муаммони ҳал этишга қаратилгани таъкидланди.

Лойиҳалар тегишли йўналишлар бўйича Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси ва бошқа масъул ташкилотларга бириктирилади.

Уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ҳар бир ташаббуснинг ижроси тизимли равишда кузатиб борилади. "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ва уларнинг бажарилишини доимий мониторинг қилишда иштирок этади.

Давлатимиз раҳбари ташаббусларнинг амалий натижасига алоҳида эътибор қаратиш, муаллифлар билан бирга ишлаб, ҳар бир лойиҳани ҳаётий, иқтисодий самара берадиган ва одамларга фойда келтирадиган ечимга айлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт бериш маросимида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари бугун дунё шиддат билан ўзгараётгани, рақамли технологиялар, замонавий гаджетлар ва сунъий интеллект ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётганини таъкидлади. Бундай мураккаб шароитда инсоннинг мустақил фикрлай олиши энг катта устунлик экани қайд этилди.

— Китоб ўқийдиган одам теран ва соғлом фикрлайди. Бундай тафаккурга эга инсон эса жамиятни ўзгартира олади, — деди Президент.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонда мутолаа маданияти ва китобга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Китобхонлик фақат таълим масаласи эмас, балки миллат келажаги, халқимизнинг маънавий қудрати ва мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим омилдир.

Давлатимиз раҳбари улуғ аждодларимиз — Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби мутафаккирлар инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Уларнинг юксак марраларга эришишида илмга интилиш ва китоб мутолааси асосий манба бўлган.

Шу маънода, мамлакатимиз халқаро майдонда қудратли ва юксак салоҳиятли халқ сифатида ўзини намоён этиши учун икки мустаҳкам асосга таяниши зарурлиги таъкидланди. Булар бебаҳо илмий ва маънавий меросимиз ҳамда замонавий илм-фан ва илғор технологиялардир.

Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан ёшларни китобга ошно қилиш, уларда билимга меҳр ва рағбат уйғотишга устувор аҳамият қаратиб келаётганини таъкидлади. 2017 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ёш китобхон" танлови миллионлаб ёшларни китобга яқинлаштирди. "Ёш китобхон оила" танлови эса мутолаа муҳитини ҳар бир хонадонга олиб киришга хизмат қилмоқда.

Жорий йил бошида қабул қилинган қарор асосида энг фаол китобхонларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Куни кеча "Ёш китобхон" танловининг навбатдаги республика босқичи якунланди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 42 нафар энг билимдон ва зукко ёшлар ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этди. Танловнинг уч нафар ғолиби Президент совғаси — замонавий автомобиллар билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари ғолибларни, уларнинг устозлари ва ота-оналарини самимий табриклаб, бундай иқтидорли, изланувчан ва билимга чанқоқ ёшлар Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий таянчи эканини таъкидлади.

Маросимда китобхонликни ривожлантириш бўйича халқаро тажрибага ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликларида 2015 йилда Шайх Муҳаммад бин Рашид Ол Мактум ташаббуси билан бошланган "Араб китобхонлик танлови" дастури бугунги кунда жаҳондаги энг йирик маърифий ҳаракатлардан бирига айлангани қайд этилди. Қисқа вақт ичида ушбу ташаббус 200 миллиондан ортиқ ўқувчиларни қамраб олган.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги яқин дўстлик ва стратегик шериклик доирасида ушбу эзгу ғояни миллий маънавий меросимиз асосида юртимизда янги босқичга олиб чиқишга қарор қилинди.

Шу мақсадда "Миллий китобхонлик ҳаракати" дастури бошланмоқда. Давлатимиз раҳбари куни кеча ушбу дастурни давлат миқёсида фаол қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида фармойиш имзолаганини қайд этди.

Эндиликда ҳар йили мазкур тадбирнинг финал босқичи Президент даражасида ўтказилади. Дастурнинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этади. Бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланади. Бу юртимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофот бўлади.

Мазкур ҳаракат мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Унда умумтаълим мактабларининг 1-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчилари иштирок этиши мумкин.

Президентимиз ушбу ташаббус мактаблар, оилалар ва бутун жамиятда китобхонлик муҳитини кучайтириш, ёшлар қалбида янги бунёдкорлик руҳини уйғотишга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мен ушбу дастурни шунчаки китоб ўқиш мусобақаси эмас, балки жонажон Ватанимиз келажаги учун стратегик инвестиция деб биламан. Агар биз бугун болаларимизнинг қўлига яхши китоб берсак, эртага улар Янги Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга албатта қодир бўладилар, — деди давлатимиз раҳбари.

Маросимда Президентимиз барча ўқувчи-ёшлар, устозлар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни ушбу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этишга чақирди.

Китоб ўқиган, билимга интилган ва эзгу маъноларни англаган миллат ҳеч қачон енгилмаслиги таъкидланди. "Илмдан бошқа нажот йўқ" деган маърифатпарвар аждодларимиз ғоясини бутун мамлакат миқёсида ҳаётга татбиқ қилиш муҳимлиги қайд этилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# КУН ТАРТИБИДА – ХАВФСИЗЛИК ВА ЯНГИ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИКНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси баҳорги сессияси тадбирларида иштирок этди. Сессия доирасида Ўзбекистон делегацияси Парламентлараро Ассамблея Кенгашининг мажлисида қатнашди.*

## Тадбир кундалигидан

Унда Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси раиси Саҳиба Гафарова, Беларусь Миллий Мажлиси Республика Кенгаши раиси Наталья Кочанова, Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати раиси Маулен Ашимбаев, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши раиси Марлен Маматалиев, Тожикистон Мажлиси Оли Намояндагон мажлиси раиси Файзали Идизода ҳамда Туркманистон Мажлиси раиси Дунягозел Гулманова ҳам иштирок этди.

Тадбирга раислик қилган МДҲ ПА Кенгаши раиси, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси Валентина Матвиенко барча делегацияларга сессияда иштирок этгани учун миннатдорлик билдирди.

Сессия доирасида Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. МДҲ давлатларида халқлар жасорати ва уруш қурбонлари хотирасини асраб-авайлаш тизимли гуманитар ҳамда ватанпарварлик ишларининг муҳим қисми экани таъкидланди.

Шунингдек, МДҲ давлатларида сайловларда халқаро кузатувни ташкил этиш кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлди. Хусусан, МДҲ ПА халқаро кузатувчиларининг Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши депутатлари муддатидан илгари сайлови ҳамда Қозоғистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш бўйича республика референдумида иштирок этгани муҳокама қилинди.

Ассамблеянинг 2025 йилдаги фаолияти натижалари, Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган дастурлар ижроси ҳамда 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган намунавий қонунлар бўйича истиқболли режа лойиҳаси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Инсонпарварлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди. Хусусан, "Илм-фан ва таълим ривожига қўшган ҳиссаси учун" МДҲ ПА фахрий нишонини таъсис этиш масаласи кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, "Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришдаги хизматлари учун" фахрий нишони ҳамда "МДҲ ПА — 35 йил" юбилей нишони тасдиқланди. Шу билан бирга, рус тилини ривожлантириш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшганларни рағбатлантириш мақсадида Людмила Вербицкая номидаги МДҲ ПА мукофоти таъсис этилди.

2026 йилги Чингиз Айтматов номидаги халқаро мукофотни Беларусь халқ ёзувчиси Николай Чергинецга топшириш таклифи ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси баҳорги сессияси доирасида қатор тадбирлар ҳам бўлиб ўтди. Жумладан, "Террористик ва экстремистик ташкилотлар ноқонуний фаолиятига жалб қилинган шахсларни дерадикализация қилиш ва ижтимоий реинтеграцияси: имкониятлар ва истиқболлар" мавзуидаги давра суҳбатида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, профилактика чораларини кучайтириш ҳамда ижтимоий мослашув механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг доимий комиссиялари йиғилишлари ҳам ўтказилди. Уларда хавфсизлик соҳасида қонунчиликни уйғунлаштириш, янги таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, сиёсий масалалар ҳамда халқаро ҳамкорлик, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги долзарб масалалар кўриб чиқилди.

МДҲ Ёшлар парламентлараро ассамблеяси йиғилиши ҳам ташкил этилди. Унда сунъий интеллект технологияларининг навқирон авлодга таъсири, "шахмат дипломатияси"нинг гуманитар ва ёшлар ҳамкорлигидаги аҳамияти хусусида фикр алмашилди.

* * *

МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг баҳорги сессияси доирасида Ўзбекистон парламент делегацияси аъзоси, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов Хавфсизлик соҳасида қонунчиликни уйғунлаштириш ҳамда янги таҳдидлар ва хавфларга қарши курашиш бўйича МДҲ ПА ҳузуридаги Бирлашган комиссия мажлисида қатнашди.

Унда терроризм ва экстремизм ғояларига жалб этилган, шунингдек, қуролли можаро ҳудудларидан қайтарилган шахсларни дерадикализация қилиш ҳамда ижтимоий реинтеграциясига кўмаклашиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш масалалари атрофида мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, МДҲ ПА Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" ҳамда "Сунъий интеллект ва робототехникадан террористик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишга қарши кураш тўғрисида"ги намунавий қонун лойиҳалари ҳам кўздан кечирилди.

* * *

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси баҳорги сессияси кун тартибидан ўрин олган Сиёсий масалалар ва халқаро ҳамкорлик бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон парламент делегацияси аъзоси, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов қатнашди.

Парламент аъзолари халқаро инсонпарварлик ҳуқуқини замонавий таҳдид ва чақириқлар шароитида такомиллаштиришга қаратилган муҳим ташаббусларни муҳокама қилди. Жумладан, кибермаконда тиббиёт муассасалари ҳамда фуқароларга оид маълумотларни ҳимоя қилиш, тинч аҳоли ўртасида очарчиликнинг олдини олиш мақсадида хавфсиз денгиз йўлакларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, шу пайтга қадар мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлар якуни бўйича миллий қонунчилик ва ҳарбий йўриқномаларда қуролли можароларнинг барча босқичларида инсонпарварлик тамойилларини жорий этиш зарурлигини мустаҳкамловчи сиёсий декларация қабул қилиниши лозим.

Шунингдек, "Сунъий интеллект ва янги технологиялардан терроризмга қарши курашиш ҳамда радикаллашув ва экстремизмнинг олдини олиш мақсадларида фойдаланишни қонунчилик жиҳатдан тартибга солиш" мавзуидаги халқаро конференциянинг дастлабки якунлари ҳақида ахборот тақдим этилди.

* * *

Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Ёшлар парламентлараро ассамблеясининг XXVI йиғилишида Ўзбекистон делегациясининг Ёшлар парламенти вакиллари ҳам фаол қатнашди.

Муҳокамаларда Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслонова ўз маърузаси билан иштирок этиб, рақамли трансформация жараёни, ёшларнинг сунъий интеллект соҳасидаги кўникмаларини ривожлантириш, медиа саводхонликни ошириш ҳамда хавфсиз рақамли муҳитни шакллантириш юзасидан таклифлар билдирди.

Йиғилиш доирасида МДҲ давлатларида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, йигит-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирлар якунида МДҲ ПА доимий комиссиялари раҳбарлари тасдиқланди ва Ассамблеянинг кузги сессиясини Ашхобод шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ИСТИҚБОЛЛИ ШЕРИКЛИК

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифаларга мансуб хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари билан учрашув ўтказилди. Унда депутатлар, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси масъуллари, соҳа мутахассислари, олимлар, корхона ва ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.*

Тадбирда мамлакатимизда атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш, саноат корхоналарининг экологик масъулиятини ошириш, чанг-газ тозалаш ускуналари, локал сув тозалаш иншоотлари ҳамда автоматик мониторинг тизимларини жорий қилиш, “яшил” иқтисодиёт тамойилларини кенг татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2026 йил 25 мартдаги тегишли фармони билан 2026 — 2030 йилларда атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳаси доирасида атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи корхоналарда автоматик мониторинг станциялари, чанг-газ тозалаш ускуналари ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш белгиланган.

Президентимизнинг 2025 йил 30 январдаги давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони билан эса ушбу тоифага кирувчи корхоналарнинг экологик барқарорлигини таъминлаш учун экологик мониторинг тизимларини модернизация қилиш, тозалаш ускуналарини ўрнатиш ва “яшил” технологияларга ўтишда янги тартиб ўрнатилган.

Унга мувофиқ, биринчи босқичда агар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи корхона фон мониторинг станцияларини ўрнатса, унга атроф тиббий муҳит ифлослантирилгани ва чиқиндилар жойлаштирилгани учун компенсация тўловлари бўйича қарздорлик ҳисобдан чиқарилиши белгиланган. Бунда атроф-муҳитга етказилган зарар учун республика бюджетига йўналтирилган компенсация тўловларининг 50 фоизгача бўлган қисми 2 йил мобайнида қайтарилади.

Иккинчи босқичда мониторинг станцияларини ўрнатган корхона кейинги йил давомида чанг-газ ва маҳаллий сув тозалаш ускуналарини ўрнатса, унга компенсация тўловларининг 70 фоизгача қисми 2 йил давомида қайтарилиши белгиланган. Бу нафақат экологияни муҳофазалаш, балки экологик талабларга риоя этган корхоналарнинг давлат томонидан рағбатлантирилишига ҳам хизмат қилади.

Учрашувда жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур тоифадаги 8 та саноат корхонасида 17 та чанг-газ тозалаш ускунаси тўлиқ модернизация қилингани, 2 444 та фильтр алмаштирилгани қайд этилди. 13 та корхонада эса ифлослантирувчи манбалардан автоматик намуналар олиш тизими ўрнатилиб, улар “eco-nazorat.uz” ягона геоахборот платформасига интеграция қилинган.

I ва II тоифадаги корхоналар томонидан ўз ҳудудлари ва туташ майдонларда 3,1 миллион туп дарахт, бута кўчатлари экилиб, “яшил белбоғ”лар барпо этилаётгани саноат ҳудудларида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.



**Ойбек РАҲИМОВ,**
**қўмита аъзоси:**

*— Очиқ мулоқот руҳида ўтган учрашувда корхоналарда замонавий экологик технологияларни жорий этиш, чиқиндиларни камайтириш, фильтр ва тозалаш ускуналарининг самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчилик талабларига риоя қилиш юзасидан қатор таклифларимизни бердик. Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш, корхоналарнинг экологик масъулиятини ошириш ҳамда давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали мулоқот механизмларини йўлга қўйиш юзасидан ҳам фикрлашдик.*

Учрашувда қўмита томонидан “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа экология ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ишларини жадаллаштириш белгиланди.

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Янги Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги соҳасидаги ислоҳотлар: устувор йўналишлар ва эришилган натижалар” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Тадбирда депутатлар, Конституциявий суд, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Парламент тадқиқотлари институти вакиллари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, олимлар ҳамда экспертлар қатнашди.

Давра суҳбатида мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги соҳасида эришилган муҳим натижалар, бу борадаги устувор вазифалар, айниқса, кейинги тўққиз йил давомида амалга оширилган янгиланиш ва ислоҳотлар атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш жараёнида парламентнинг ўрни ва роли, миллий қонунчилик тизимини комплекс тизимлаштириш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ҳамда соҳада учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, қонун ижодкорлиги Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда миллий парламентнинг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Хусусан, кейинги тўққиз йилда қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотларига таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида қонун ижодкорлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг масъулияти оширилди. Янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг аниқ тартиби белгилаб қўйилди. Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, соҳадаги ҳуқуқий механизмлар янада мустаҳкамланди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилаётганда, қоида тариқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили томонидан маъруза қилиниши ва лойиҳа ҳимоя этилиши белгиланди. Шунингдек, қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳаларнинг шакли ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби такомиллаштирилди.

Президентимизнинг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони соҳада мутлақо янги ёндашувларни жорий этди. Хусусан, қонунларни қабул қилишнинг замонавий ва демократик шаклларига йўл қўйилди. Қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик ҳамда экспертлар иштирокида муҳокама этиш, уларнинг халқаро шартномалар ва рейтинглар талабларига мувофиқлигини ўрганиш амалиёти кенгайди. Янги таҳрирдаги Конституция асосида қонунчилик таклифи институти жорий қилинди.

Тадбирда қонун ижодкорлиги соҳасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган айрим долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталаридаги нутқларида парламент фаолиятини янада самарали ташкил қилиш юзасидан билдирилган муҳим таклиф ва тавсиялар бу борада дастуриламал аҳамият касб этиши таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари Қонунчилик палатаси киритилаётган қонун лойиҳалари сифатини янада ошириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, қонун лойиҳаларининг илмий асосларини мустаҳкамлаш, “ақлли тартибга солиш” ҳамда таъсирни баҳолаш механизмларини кенг жорий қилиш зарурлигини қайд этди. Шунингдек, норма ижодкорлиги жараёнига рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини татбиқ қилиш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

Давра суҳбатининг муҳим мавзуларидан бири Ўзбекистон Республикасида айрим ҳудудларда янги ҳуқуқий институт — ўзгача ҳуқуқий тартибга солиш жорий этилиши муносабати билан Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаси бўлди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда рақобатбардош капитал бозорини ривожлантириш ва халқаро инвестицияларни жалб этиш мақсадида Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ҳамда махсус ҳудуд сифатида фаолият юритиши ҳамда ушбу ҳудудда амал қиладиган махсус ҳуқуқий режим белгиланмоқда. Шу муносабат билан Конституциянинг айрим моддаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

**Дилдора КАМАЛОВА,**
**қўмита аъзоси:**



*— Қатор хорижий давлатларда ҳам халқаро молия марказлари фаолияти конституциявий қонунлар билан тартибга солинади. Конституциявий қонун лойиҳасига мувофиқ, алоҳида ҳудудларда ягона ҳуқуқий макон доирасида махсус ҳуқуқий режим ўрнатилиши мумкин бўлади. Шунингдек, бундай ҳудудларда фаолият қонун билан белгиланадиган ихтисослаштирилган судлар ташкил этилиши ҳам назарда тутилмоқда. Мазкур конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимиз инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, Тошкентни минтақавий молиявий марказга айлантириш, “яшил молиялаштириш”, блокчейн ва илғор молиявий технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилади.*

Давра суҳбатида соҳа мутахассислари, олимлар муҳокамадаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ МУБОРАК АЙЁМ БАРОКАТИДАН, ФАЙЗИДАН БАҲРАМАНД

*Муборак Қурбон ҳайити арафасида турибмиз. Бутун мусулмон олами, ислом уммати ушбу улуғ айёмни чексиз шодлик ва шукроналик билан кутиб олмоқда. Ушбу қутлуғ кунларда Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида юртдошларимиз билан бирга Ҳаж амалларини адо этяпмиз.*

## Дил сўзи



Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан телефон орқали мулоқотимиз Янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғлиги, ҳар бир фуқаро давлатимизнинг меҳр ва эътиборидан четда эмаслигининг яна бир ҳаётий ифодаси ўлароқ қалбларимизни олам-олам шодликка тўлдирди, руҳимизни кўтарди, байрам шукуҳини янада бойитди.

Давлатимиз раҳбари билан суҳбатимиз нақадар самимий кечганига халқимиз оммавий ахборот воситалари, турли интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали кўриб, гувоҳ бўлдилар.

Президентимиз Ҳаж зиёратчиларини Қурбон ҳайити билан самимий табриклаб, уларнинг элу юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, ёшларимизнинг бахту саодати йўлида қилаётган эзгу дуо ва илтижолари қабул бўлишини тилади.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ҳар йили 15 минг нафардан зиёд ватандошларимиз муборак Ҳаж сафарига бормоқда. Бу йил яна бир хайрли ташаббус амалга оширилиб, Ватан ва халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилган меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда кам таъминланган оилалар вакилларидан иборат 100 нафар юртдошимиз илк бор давлат ҳисобидан Ҳаж зиёратига келди. Уларнинг дилидаги қувончни, шукроналикни, Юртбошимиздан миннатдорликни сўз билан таърифлашга тил ожиз.

Президентимиз суҳбатда зиёратчиларимизнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради, ибодатларни бажариши учун ташкилий ишларнинг бориши билан қизиқди.

Дарҳақиқат, Макка ва Мадина шаҳарларида зиёратчиларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, ташкилий ишлар уюшқоқлик билан ўтяпти. Қалбида шукроналик ҳисси жўш урган юртдошларимиз муқаддас жойларда туриб, Яратгандан мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилмоқда.

Аллоҳ насиб этса, Ҳаж зиёратчилари юртга қайтгач, ислом маърифати ва соғлом эътиқодни халқимизга, айниқса, ёшларимизга теран етказишда, маҳаллаларда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва маънавий муҳитни мустаҳкамлашда намуна бўлади.

Бугун ҳар бир юртдошимиз муборак айём барокатидан, файзидан баҳраманд. Куни кеча Қурбон ҳайитини юртимизда ўзгача шукуҳ билан нишонлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг қарори қабул қилинди. Унга кўра муборак айёмни нишонлаш билан боғлиқ хайру саховат ва мурувват тадбирлари амалга оширилади.

Президентимиз раҳбарлигида Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар тақдимотида айтилганидек, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари, шунингдек, камида 350 нафар беморларда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини ўтказиш харажатларини қоплаш кўзда тутилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 8 минг нафардан зиёд етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналарнинг фарзандларининг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, 500 та масжидда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкциялаш ёки таъмирлаш, шунингдек, жойлардаги қабристонларни обод қилиш ишлари амалга оширилади.

Давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар озиқ-овқат тўпламлари билан таъминланади.

Мазкур чора-тадбирлар “Вақф” хайрия жамоат фондига ажратиладиган 690 миллиард сўм маблағ ҳисобидан молиялаштирилади. Бу қанчадан-қанча инсонлар ҳаётига нур, қалбига қувонч олиб киради.

Зеро, ҳадиси шарифларда марҳамат қилинганидек, “Инсонларнинг энг яхшиси — бошқаларга кўпроқ манфаати тегадиганидир” (*Имом Дору Қутний ривояти*). Савобли ишлар, тинчлик ва ободлик йўлидаги ҳамжиҳатлигимиз бизни албатта улуғ мақсадларга бошлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Қурбон ҳайити ислом динидаги энг улуғ ва муқаддас байрамлардан бири, мўминлар юрагида хурсандчилик, меҳр-муҳаббат, бағрикенглик, саховат туйғуларини юксак даражада уйғотади.

Президентимиз “Одамлар эртага ёки узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшашни истайди”, деган эди. Ўзбекистон етакчиси ўз фаолиятининг илк даврларида илгари сурган ушбу ғоя замирида ҳам ушбу байрамга хос халқ фаровонлиги, аҳоли ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик каби безавол анъаналар мужассамдир.

Ўтган йилларда ушбу ғоя ва мақсадларни рўёбга чиқариш, адолатли жамият, халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадрини юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат мақоми конституцион даражада мустаҳкамланди.

Кейинги йилларда шу асосда инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, эҳтиёжманд юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини уй-жой билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш, ёшлар ва хотин-қизларга замонавий касбларни ўргатиш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш борасида тизимли ишлар қилиняпти. Ушбу хайрли амаллар муборак Қурбон ҳайити моҳиятига мос ҳолда, “Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат” эзгу ғоясини рўёбга чиқариш, халқимизни бугунги яшаётган кунидан рози қилиш, эркин ва фаровон жамият барпо этишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Қурбон ҳайити — инсон қалбида меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик ва шукроналик туйғуларини мустаҳкамлайдиган улуғ айём. Янги Ўзбекистонда ушбу муқаддас байрамнинг мазмун-моҳияти инсон қадрини улуғлаш, эҳтиёжмандларга кўмак бериш, халқ фаровонлигини таъминлаш каби эзгу амаллар билан янада бойиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган хайр-саховат ишлари, ижтимоий ҳимоя чоралари, Ҳаж зиёратчиларига яратилаётган имкониятлар халқ ва давлат ўртасидаги меҳр ва ишончни янада мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, бу хайрли ишлар “Инсон қадри учун” деган улуғ тамойилнинг амалий ифодаси сифатида юртдошларимиз қалбида эртанги кунга ишонч, шукроналик ва фахр туйғуларини юксалтирмоқда.

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

# РЕНЕССАНС ИНСОН ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ

## (Қудратилла Рафиқовнинг «Миллат шавкати» мақоласини ўқиб)

*“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 21 май сонида эълон қилинган таниқли сиёсатшунос ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг “Миллат шавкати” номли салмоқли мақоласини катта ҳаяжон, юрак титроғи ва чуқур тафаккур билан мутолаа қилдим. Ростини айтиш керак, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлатчилик фаолияти ҳақида кўплаб мақолалар, таҳлилий чиқишлар ва муносабатлар билдирилди.*

## Акс садо




Бироқ “Миллат шавкати” мақоласи ўзининг ҳаётийлиги, самимияти, тарихий мушоҳадаси ва миллат руҳи билан суғорилганлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Бу мақола фақат давлатимиз раҳбари фаолияти ҳақида эмас, балки бутун бир давр, бутун бир миллатнинг маънавий уйғониши ҳақидаги қалб қатидан чиққан мушоҳададир.

Бугун дунёда кечаётган таҳликали жараёнларга назар ташласак, инсоният фақат иқтисодий ёки сиёсий эмас, балки маънавий синовлар олдида турганини кўрамиз. Миллатларнинг тарихи, қадриятлари ва руҳий таянчлари емирилаётган, инсон қалби тобора моддийлашиб бораётган бир даврда халқни ўз ўтмишига, ўз илдизига ва ўз келажагига ишонтириш осон эмас. Ана шундай мураккаб замонда юртимизда кечаётган бугунги янгиланишлар халқимизда ишонч ва ғурур уйғотадиган, миллат тафаккурини юксалтирувчи улкан маънавий воқелик сифатида намоён бўлмоқда.

Мақолани ўқиб, бир ҳақиқатни яна бир бор англадим: Янги Ўзбекистонда фақат бинолар, йўллар, шаҳарлар ва майдонлар эмас, инсон қалби, миллат руҳи ва халқнинг ички дунёси ҳам қайта қурилмоқда.

Муаллиф Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятини қуруқ мадҳ ёки баландпарвоз шиорлар билан эмас, балки ҳаёт ҳақиқати, шахсий кузатувлар ва тарихий қиёслар орқали очиб беради. Бу эса мақолага катта таъсирчанлик бағишлайди. Муаллифнинг ҳар бир фикри ортида миллат тақдири учун қайғурган қалб, юрт дардини ҳис қилган виждон ва келажак учун масъулият мужассам.

Айниқса, мақолада Самарқанд ҳақида билдирилган фикрлар инсонни чуқур мушоҳадага чорлайди. Самарқанд — бу оддий шаҳар эмас. У миллат хотираси, давлатчилик қомуси, маънавият ва ирфон марказидир. Бу муқаддас заминда Амир Темур салобати, Мирзо Улуғбек тафаккури, Имом Мотуридий ҳикмати ва ҳазрати Хизр баракаси мужассам. Бу шаҳар ҳар бир ўзбекистонлик қалбида фахр туйғусини уйғотади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий ва маънавий шаклланишида ҳам айнан шу муҳитнинг ўрни беқиёс бўлганини мақоладан яққол ҳис қилиш мумкин.

Муаллиф жуда тўғри таъкидлайди: Янги Ўзбекистон — фақат янги бинолар ёки янги қонунлар эмас. Бу миллат руҳининг уйғонишидир. Бу инсон қадрининг давлат сиёсати марказига чиқиши. Бу — халқнинг ўз тарихи ва келажагига ишончи қайта тикланаётган давр.

Бугун Самарқандда Регистоннинг қайта жило топиши, Шоҳи Зинданинг яна нурга тўлиши, Имом Бухорий мажмуасининг ҳайратомуз реконструкцияси, Имом Мотуридий ҳазратлари мақбарасининг халққа қайтарилиши оддий қурилиш ёки таъмир ишлари эмас. Бу — миллатнинг маънавий ўзагини тиклаш ҳаракати. Чунки миллат ўз буюкларини унутса, унинг руҳи заифлашади. Аждодларга эҳтиром эса халқнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Тарих бир ҳақиқатни кўп бор исботлаган: миллат ўз буюкларини қадрласа, унинг келажаги ҳам буюк бўлади. Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг катта кучи ҳам шунда: инсон қадри, тарих хотираси ва миллий ғурур давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Мақоланинг аҳамияти шундаки, унда бугунги ўзгаришлар қуруқ рақамлар билан эмас, балки ҳаёт ҳақиқати, тарихий мисоллар ва инсон тақдири орқали кўрсатиб беради. Мақолани ўқиб, инсон бир ҳақиқатни англайди: Янги Ўзбекистонда фақат манзиллар эмас, кўнгиллар ҳам обод бўлмоқда.

Бугун муқаддас қадамжоларнинг тикланиши, улуғ аждодлар номи абадийлаштирилиши, зиёратгоҳларнинг халққа қайтарилиши — буларнинг барчаси Учинчи Ренессанснинг маънавий асослари. Чунки Ренессанс, аввало, инсон қалбидан бошланади. Шу маънода “Миллат шавкати” мақоласи Янги Ўзбекистон маънавий қомусининг бир саҳифаси, миллатнинг руҳий уйғонишини акс эттирган тарихий мушоҳададир. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халққа муҳаббати, тарихга эҳтироми ва инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсатининг моҳияти чуқур очиб берилган.

Ишонаманки, миллат маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган бундай мақолалар халқимиз тафаккурини янада бойитади, ёшларимизни аждодларга садоқат, Ватанга муҳаббат ва миллий ғурур руҳида тарбиялайди.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,**
**Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.05 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6